



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

1997 йил, 24 октябрь № 43 (271)

Сотувда нархи эркин

«Ўздунробита» Ўзбек-Америка уяли алоқа кўшма корхонаси ташкил этилганига 6, Ўзбекистон бозорига тижорат хизматини йўлга қўйганига 5

ма корхона бошқаруви раиси Дадли Б. Кристи (АҚШ), Бош директор Ю. Снежков, МДХ давлатларида AMPS андозалари билан боғлаб турувчи

«ЎЗДУНРОБИТА» ОЛТИ ЁШДА

Йил тўлганлигини нишонлади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Журналистларнинг компания фаолияти ва истиқболи тўғрисидаги саволларига кўш-

«Ассоциация 800» бошлиғи В. Манямин, «Нортел» корпорацияси вице-президенти Глен Блад ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари В. Штейнберглар жавоб беришди.

ПАХТАЗОРДА КЎЧМА АЛОҚА ХИЗМАТИ

Самарқанд вилояти Жума почта алоқа боғламаси бошлиғи Раҳмон Абдушукуровнинг ташаббуси билан пахта йигимтерими мавсумида кўчма алоқа хизмати ташкил этилди. Гайбулла Бекмуродов бошқараётган «Дамас» русумли снгил машинасига ўрнатилган кўчма алоқа хизмати Пастдарғом туманидаги 23 та пахтачилик билан шугулланувчи хўжаликларнинг ҳашарчилари хузурида бўляпти. Харақатдаги кўчма алоқа хизмати соғувчиси Али Ҳамроев ҳар куни ҳашарчиларга 550-650 сўмлик газета-журнал, хат-жид, маркалар сотиб, уларга хат-хабар, шойлиқномабларни етказиб турибди. Ота-онаси, дуст-биродарларидан кунгли тиғч, кайфияти чоғ, республика янгиликлари, пахта тайёрлашнинг бориш ҳақидаги хабарлар билан танишадиган ҳашарчилар самарали меҳнат қи-

лишяпти. Шунинг алоҳида айтиш жоизки, Жума почта алоқа боғламасининг юз нафардан ортиқ ишчи-хизматчилари ҳам Пастдарғом туманининг Шароф Рашидов номи хўжалигидаги Хусниддин Холбеков бошлиқ 7-бригадаси далаларида пахтакорларга ердан беришмоқда. Ҳар бири кунига 65-75 килограмдан, мавсум давомида 2,5-3 тоннадан оқ олтин терган Камол Баракаев, Ҳасан Намозов, Майсара Саъдинова, Роза Аҳмедова, Қизман Шоидиева, Малик Умуркулов сингари алоқачи-ҳашарчиларнинг меҳнати мактовга арзигуликдир. «Пахта-97» умуҳмак хашарида қатнашган туман алоқачилари юрт хирмонига 45 тонна улуш қўшилилар.

Наصريддин ЭШҚУВВАТОВ, Самарқанд вилояти

ОБУНА ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикамизда обуна мавсуми айни қизгин паллага кирди. Наманган вилоятидаги жамоатчи мухбиримиз вилоят туманларида бўлиб, обуна ишларининг қай йўсинда ташкил этилгани билан қизиқди.

Одилжон КАРИМОВ, Норин тумани, Норинкапа алоқа бўлимининг бошлиғи:

— Обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида боғламада алоҳида тadbир белгиланган, ҳамма алоқа бўлимларига тегишли йўл-йўриқлар, курсатмалар берилди. Айни кунларда алоқа бўлиминимиз ҳар қачонгидан гавжум. Почтачиларимизнинг кули-қулига тегмайди. Кунига 70—80 нафар кишининг якка тартибда обунасини расмийлаштириб беришга улгуряпмиз.

Бирдан-бир мақсадимиз республикамиз даврий нашрларига обуна йиғишни кечи билан 30 октябрга қадар тугаллаш. Бундан ташқари, почтачиларимиз маҳаллама-маҳалла юришиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти, газета ёки журналга ёзилиш истаги бор кишиларни аниқлаб, уша жойининг узида обуна вара-

қасини расмийлаштириб бериляпти.

Олимжон ҲАЙИТМУРОДОВ, Учкўрғон туман почта алоқа боғламасининг иқтисодчиси:

— Бултур обуна тўплаш бўйича вилоятда энг юқори курсаткича эришиб, тилга тушган эдик. Бу йилги мавсумга ҳам пухта тайёргарлик билан киришдик.

Тасарруфимиздаги мавжуд 15 та алоқа бўлимларида 15 сентябрдан бошлаб узайтирилган иш тартиби жорий қилинди. Шу кеча-кундузда 60 нафарга яқин ходимларимиз обунани расмийлаштириш билан банд. Шундай ишлар айниқса Учкўрпик, Шахрихончек, Кўрғонча каби алоқа бўлимларида намунали йўлга қўйилган.

Тилобатхон МАМАТҚУЛОВА, вилоят почта ҳиссасдорлик жамиятининг обуна ишлари бўйича етакчи мутахассиси:

— Обунани расмийлаштиришга асосан 25 сентябрдан киришдик. Бунинг сабаби шу-

ки, каталог ва обуна варақчаларининг кечикиб келиши оқибатида расмийлаштириш ишлари бирмунча орқага сурилди.

Ҳозир ишимиз ниҳоятда тигиз. Асосий эътибор мавсумни тезроқ охирига етказишга қаратилган. Юқори ташкилотлар ҳам бу борада бизга баҳоли қудрат ёрдам беришяпти. Ҳозирча бирон-бир жойда сусткашликка йўл қўйилаётир дея олмайман. Аксинча, Тўрақўрғон, Наманган, Чортоқ туманлари обуна йиғишда фаоллик курсатишмоқда.

Айниқса «Хабар» газетасининг муштарийлари ортганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Унга ёзилувчилар сони ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп.

Шунинг алоҳида айтиш жоизки, Наманган вилоятида обуна ишига вилоят ва туман ҳокимликлари ҳам бош қўшишган. Бу ўз натижасини кўрсатмоқда. Бундай ташаббусни фақат олқишлаш керак.

Аҳмаджон ТҮЙЧИБОВ Ёзиб олди, Наманган вилояти

ОЛАМДА НИМА ГАП? - Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

- 19-20 октябрь кунлари жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йилдаги зўр таъана билан нишонлади. Бу таъаналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов табрик нутқлари сўзлади.
- Матбуотда «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳоли ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди.
- Самарқанд вилоятининг Фарҳод кўрғонда энг замонавий немис ва инглиз техникаси билан жиҳозланган тамаки фабрикаси ишга тушди. Унинг таъанали очилиш маросимида Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг ўринбосари Мираброр Усмонов иштирок этдилар.
- «Топкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамиятида ИЛ-114 самолётларига Канаданин «Прайт Уитни» компанияси двигателларини ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Ана шундай двигателли биринчи ИЛ-114 самолети келуси йил август ойида парвоз қилади.
- Минскда Белоруссия журналистларининг ҳукуматнинг сўз ва матбуот эркинлигини чеклаш сиёсатига қарши нарозиллик намойиши бўлиб ўтди.
- Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев давлат оммавий ахборот воситалари раҳбарларидан ўз шаънига ҳамду санолар уқини тухташтини талаб этди. Бунга сўнги лайтларда айрим амалдорлар газеталарда Ҳайдар Алиевни кўнларга кутариб мактовчи саҳифа-саҳифа материалларни реклама тарзида эълон қилишга киришганлари сабаб бўлди.
- Ҳиндистонга йўл олаётган Латвия Президенти Гутманис Улманис Бишкекда қисқа вақт бўлиб, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан учрашди.



• Шу сонга шошилиқнома

КОРХОНА ҲИСОБИДАН

«Жамоамизнинг 104 нафар ишчи-хизматчилари 1998 йил учун «Хабар» газетасига корхона ҳисобидан обуна бўлишди.

Тўртқул туман электралоқа боғламасининг бошлиғи А. АМИНОВ»

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

• Обуна — 98

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳаниннг заҳматқаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАХОСИ:

Якка тартибдаги обуначилар учун:
1 ойга 43, 6 ойга 258,
12 ойга 516 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 227

Ташкилот ва корхоналар учун:
1 ойга 82, 6 ойга 492,
12 ойга 984 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 228

Тадқиқотчиларнинг айтишича, дунёнинг одам учун энг ҳоҳатбарор мўъжизаси — телефон. Фақат у... яхши ишласа. Ёмон ишлайдиган телефон асабга тегишда тиш оғригани ҳам ошиб тушар экан.

Сурхондарёда биринчи телефон ўттиз бешинчи йилларда ўрнатилган. Эллигинчи йилларда ҳар минг кишига биттадан телефон аспа...

«Сурхондарё телеком»нинг Жарқурғон бўлими бошлиғи Абдурашид Журақуловнинг айтишича, автоматик усқуналар хорижий техника воситалари билан жиҳозланди. Электрон рақамли АТСлар ўрнатилди. Энди телефонда овоз раво эшитилади. Ва энг муҳими, код рақамларини ёдда сақлаб қолган одам мамлакатимизнинг истаган нуқтасига бевосита сим орқали суҳбатга чиқаверади.

Жарқурғонда ҳозир ҳар

СИМИ ЁҒОЧГА ОСИЛГАН ТЕЛЕФОН ҚАЙДА-Ю...

рати тўғри келган ва тўқсонинчи йилга келиб ҳамки одамлар бир куча нарида яшайдиган қариндоши билан телефонда гаплашмоқ учун ҳам бу дунёнинг энг қаттиққулоқ халқи — коммуторга — телефон улаб берувчига буюртма... буюртма қаёқда илтимос қилган. Сурхондарё вилояти давлат электралоқа корхонаси деб аталадиган идора ҳозир қисқача «Сурхондарё телеком» корхонаси деб юритилади. Корхона индонезиялик ҳамкорлари иштирокида ўз ишларини тубдан яхшилаб бора...

100 кишига 5 тадан телефон аппарати тўғри келиб турибди. Бу тўқсонинчи йилги курсаткидан 2 тага кўп.

— Кишлоқ жойларида телефон хизматини икки йилда тубдан яхшилаш режамиз бор, — дейди Журақулов. — Телефон нуқталарини икки мингинчи йилда ҳозирдагидан беш бараварга кўпайтирамиз. Бу энди сими ёғочга осиб ўтказилган телефондан осмон билан ерча фарқ қилади. Бу буюк Ўзбекистонимизнинг телефонлари бўлади.

Олимжон УСАНОВ,
Сурхондарё вилояти

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

1. Алоқа хизмати Сизни қониқтирадими?
 2. Алоқа соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ қандай тақлиф-мулоҳазаларингиз бор?
- Абдували СОЛИБЕ,**
Сирдарё вилояти, Меҳнатобод туманидаги А. Қодирий номли 1-ўрта мактаб ўқитувчиси:

1. Менимча, алоқа хизматига иши тушмайдиган одам бўлмас керак. Азалдан ўқитувчилар газета-журналлар мутолаасига ўч бўлишади. Касбимиз ҳам шунга тақозо этади. Шу боис ҳам почта хизматига тез-тез мурожаат қиламиз. Бизга хизмат кўрсатадиган почтачилар ишдан мамнунман. Матбуот нашрлари, хат-хабарларни ўз вақтида олиб турибман.

Телефон хизматидан кўпма кўп фойдаланарман. Мабодро бунга эҳтиёж туғилса, туманимиз марказидаги шаҳарлараро сўзлашув масканига бораман. У ердаги телефончи қизлар қийналиб бўлса-да керакли манзилни улаб беришади. «Қийналиб бўлса-да» деганимнинг боиси — ҳадеганда телефончилар зарур манзил билан боғлана олишмайди. Бунга сабаб менимча, сўзлашув масканидаги алоқа жиҳозларининг эскирганлиги бўлса керак. Шунданми, сўзлашув пайтида ҳар хил овозлар эшитилиб туради...

2. Кузатишимча, кейинги пайтларда алоқа соҳасида кўп-кўп ижобий ўзгаришлар бўляпти. Ортимизда хорижнинг энг замонавий алоқа воситалари жорий қилинапти. Аммо бу илғор технологиялар катта-катта шаҳарларда амалга ошириляпти. Негадир чекка кишлоқ ва шаҳарлар эътибордан четда қоляпти.

Бугунги кунда туманимиз аҳолисига елиб-югуриб почта хизмати кўрсатаётган «Дамас» машиналарини кўрганда кувончим ошади. Чунки олдинлари мана шундай ҳоҳатбарор техниканинг чекка бир туманда, кишлоқда хизмат қилиши тушдагидек гап эди. Бундай ишларни амалга оширса бўлар экан-ку! Демокримани, энг илғор алоқа техникалари чекка кишлоқларда ҳам ўрнатилса. Кишлоқ аҳолисининг ҳам сифатли алоқа хизматига талаби катта.

Абдугани АБДУРАСУЛ ўғли Ёзиб олди

Ҳайдовчилик касбининг қанақалигини машина минганлар яхши билади. Йўлда машина бузилганда, ёниги тугаганда, ноқулай йўлларда юришга тўғри келганда ҳайдовчининг малакаси, топқирлиги асқотди. Андижон алоқачиларига транспорт хизмати кўрсатиш бўйича фаолият кўрсатаётган 3-Андижон алоқа автокорхонаси ҳайдовчиларининг иш ва маийий шароити, ютуқлари ва камчиликлари билан танишимизга тўғри келди. Автокорхонада ҳозир 32 та автомобил хизмат қилади. Булар асосан юк машиналаридир. Бугунги кунда автокорхона янгиланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Эски, муддатини ўтаб бўлган, яроқсиз, тиклаш мумкин бўлмаган машиналар ҳисобдан чиқарилиб, урнига янгиларини сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Шу йилнинг апрелида автокорхонада ёш мутахассис Иминжон Нивзов бошлиқ эътиб таяинланди. Андижон вилояти давлат электралоқа

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ МОЛ


корхонаси раҳбарияти бу йилга бежиз эътибор берган эмас. Ўзи ҳайдовчидан чиққан, бу касбининг иқрич-қирларини беш кўлда билади. Ундан ташқари, раҳбарлик ишида тузуққина тажриба туллаган — вилоят алоқа кучма механизациялашган жамланмасида ўн йил, шу жумладан бош муҳандислик вазифасида тўрт йил ишлаган.

Ўтган йил ичида автокорхонада ачма-мунча ўзгаришлар бўлди. Боғишамол даҳасидаги автокорхона худудида маъмурий-хўжалик биноси қуриб битказилди. Ҳайдовчилар кийим алмаштирадиган, ювинадиган хоналар, ошхона, ҳаракат ҳавфсизлиги, ҳавфсизлик техникаси хоналари, бензин қуйиш ҳоҳобчаси фойдаланишга топширилди. Тиббий куриқлар қатъий жадал асосида ўтказилмоқда. Ҳайдовчилар ва техник ишчи-хизматчиларга иссиқ кийимлар, иш кийимлари олиб берилди. Ҳайдовчиларнинг машалари ҳам анчагина кўпайди.

Қўрида келтирилган ижтимоий имтиёзларнинг бари автокорхонанинг мўътадил, бир маромда ишлаши, мижозлар сафининг кенгайтирилиши, умуман, бозор иқтисодийти шароитида маркетинг масалаларининг ижобий ҳал қилиниши ҳисобига амалга оширилмоқда. Олинган даромад ҳисобига «Тико» автомобили сотиб олинди.

Автокорхона жамоаси келгусида киши (иссиқ) бокс-лар, мотор ва аккумулятор цехларини ишга тушириш, ёрдамчи хўжалик боғини кенгайтириш, энг асосийси — вилоят алоқа тузилмаларини транспорт хизмати билан юз фойз таъминлашга эришишни мўлжалламоқда. Яхши ният — ярим мол.

Раҳмонжон УЗОҚОВ,
жамоатчи
муҳбиримиз,
Андижон вилояти



Хоразм вилояти Қўшқўпир туман электралоқа боғламасининг муҳандиси Шоназар ҚУРЁЗОВ ўз ишига меҳр қўйган ёшлардан. Шаҳарлараро телефон алоқасининг бир маромда ишлашида ёш муҳандиснинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

Дунё торлари таранг, ҳаминча садоланиб турган удкан чолғуга ухшайди. Бу садолар гоҳ маъзун, гоҳ дилуртардир. Шуларнинг оралиғида ҳаёт уммониди аёлининг урни узига қос. Бу узига ҳосид бизнинг кунларимизда ҳар бир жабҳада сезилади. Бугуннинг аели нафақат она, балки талбиркор, раҳбару мураббийдир. Айниқса, алоқа соҳасида чаққон ва урдабурон аелларимиз борки, улар халқимизнинг алоқа хизматига бўлган талабини қондиришда муҳим урин тутайди. Бизнинг бугунги суҳбатлошимиз Муборак опанинг бу соҳада иш бошлаганига 26 йил бўлди. Муборак Рус-

тариқа тармоқда ишлар ўз изига туша бошлади. Мавжуд 11 та станциядан айримлари, масалан 29, 41, 144, 43-АТСлар намунадаги станциялар сафига қўшилди.

— С.Раҳимов туман телефон тармоғимизда ҳозирги кунда 500 нафардан кўпроқ ходим ишлайди. Ишларимизнинг самардорлиги албатта шу ходимларнинг малакаларига боғлиқдир, — дейди Муборак Рустомов, — шунинг учун кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг малакасини ошириш, янги ходимлар тайёрлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан.

АЁЛНИНГ ЎРНИ

тамова Собир Раҳимов телефон тармоқларига бошлиқ эътиб таяинланмасдан бурун тармоқда муаммолар кўпайиб, аҳоли ўртасида норозилик пайдо бўлган эди. Ишлайдиган телефонлар сони кўпайиб топилар эди. Унинг зиммасига ана шу муаммоларни ечиш юкланган эди.

М.Рустомов тармоқнинг тажрибали ходимлари Маҳмуда Норбоева, Садриддин Муроджасавлар билан маслаҳатлашиб, ишни аввало абонентлар билан муносабатни йўлга қўйишдан бошлашга қарор қилди. Шундай бўлди ҳам. Тармоққа қарашли ҳар бир АТС ходимлари вақтида пул туламаётган абонентлар билан иш олиб бордилар. Ишлайдиган телефонлар сони ҳам кескин камайтирилди. Шу

Ҳозирги кунда Германиянинг «Алкатель» фирмаси билан ҳамкорликда 144-станция замонавий электрон станцияга алмаштирилди. Замон талабига мос бу станция халқ эҳтиёжини тула қондира олади. Келгусида ҳам туман алоқачилари ҳамкорликдаги ишларни давом эттиришни мўлжаллашган. Аҳолига кўпроқ қўлайликлар яратиш мақсадига тармоқда абонентлар маркази очилиш режалаштирилган. Ҳозирги кунча бу ишларнинг 50 фоизи бажарилди. Имониятга қараб манший хизмат кўрсатиш бўйича бўлимлар очилиш кузда тутилган. Айни кунларда эса туман телефон тармоғида дебитор қарзлар бўйича иш олиб борилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА

• Алоқа матбуот кўзгусида

АЛОҚАЧИ АКУЛА «ИШ ТАШПАДИ»

Австралиянинг Ньюкасте шахрида яшовчи зоолог Луи Фрибуоннинг ажойиб «алоқачи» — югурдаги бор. Аслида бу «югурлак» фандаги янгилликлар. Лекин олимнинг ўзи буни шунчаки «шартли рефлекс» деб қўя қоляди.

Олдинига Луи акулани шунчаки эрмак учун у-бу анжомларини сувга иргитиб, олиб келишни буюриб юрди. Қараса, акула бинойидек «тушуняпти». Акулда энди у почта—газета, журналлар келтиришни ўргатди. У сув ҳовзининг четига махсус почта қутиси ўрнатди. Дам олишга чиққан Луини қурган за-

ҳоти Монти газета-журналларга «учиб» кетайди. Монтининг буйи 120 сантиметр. Почта қутисиди махсус қопчага жойланган газета, журналларни ўткир тиши билан «ушлаб», Луига келтириб беради.

Монти ҳар хизмат ҳаққига битта билик билан сийланади. Тажриба учун хужаси бир-икки сафар «қаққини» насия қилувчи, Монти шартта почтани қайтариб, қутига олиб бориб ташлади. Сўнг сув тубига пўнгини, анча вақт ҳаяллаб қолди. Аразлаб иш ташлади. Ҳатто хужасининг топширигиниям эшитмасликка олди...

АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТ!

- Тошкент электротехника Алоқа институти 1998 йил учун
 - 05.12.02 Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;
 - 05.12.14 Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборот тақсимлаш;
 - 05.12.17 Радиотехника ва телевидение тизимлари ва қурилмалари мухтаассисликлари бўйича кундузги ва сиртки аспирантурага қабул
- ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**
- Ҳужжатлар 1997 йил 20 ноябргача қабул қилинади. Имтиҳонлар эса 1 декабрдан бошланади.
- Барча ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700084, Тошкент, Амир Темуր кўчаси, 108-уй.
- Маълумот учун телефонлар: 35-07-63; 35-01-12; 35-09-34.
Факс: 35-10-40.

• Тарих

ТУРКИСТОН — ИЛК МАДАНИЯТ БЕШИГИ

Далварзинтепада археологик қазилма ишлари одиборатган япон олимлари жаҳоншумул ҳудудосани матбуотда эълон қилдилар. Будда динининг илк келиб чиққан жойи бутунги Узбекистондаги Далварзинтепада экан!

Бу кашфiet Узбекистон учун жаҳон маданияти погонасининг юксакликларига кутарилиб, фахрлашни ҳуқуқини беради. Зотан чет дунела будда эски турклар (ота-боболаримиз булган эски турклар будда, зардуштийлик, насронийлик динига айри-айри жүррофий улқаларда яшаб, топинмоқда булганлар) учун энг кенг тарқалган ва энг мақбул динлардан бири эски тарихда таъкидланган (Зие Кукалип асарларига боқинг — Т.К.). Биз уқитган китобларда будда Ҳиндистонда тарқалган, маркази у ер, деб келинди («Узбек совет энциклопедиясига қаранг»). Макка шаҳри нафақат араб дунесидла, балки бутун мусулмон оламидла муқаддас шаҳарлар, жамикси мусулмонлар Маккани севишди, зиератта боришди. Насронийлар ҳам Исо Пайгамбар билан боғлиқ ерларни қутлуг хисоблайдилар, масалан, унинг онаси Биби Марям мазорини насронийлар ҳам, мусулмонлар ҳам зиерат этишди, мазор бутунги Туркиянинг эски Салжук (юнонча оти Эфес) енидаги Булбултоғда. Бу зиераттоғ ҳам маданий, ҳам дустлик алоқалари учун хизмат қилмоқда.

Демак, бутунда будда дини кенг тарқалган Шарқдаги буюк қўшнилариимиз — Ҳиндистон, Хи-

тоя, Япония учун тарихда Будда маркази, будда маданиятининг илк бешиги булган Туркистон ерлари ҳам муқаддас бир зиераттоғда, эларимиз хайрли маданий алоқалар боғлайдиган бир азиз маконга айланмак.

Бу деганимиз, албатта, биз тарихда буддачи эдик, энди ҳам буддада топинишимиз керак еки биз ҳам буддачиликка қараб кетамиз, дегани эмас. Бундай шубҳага фақат камъётиқодлар ва жокилар буюк уммин. Зотан биз, алхамдулиллоҳ, мусулмонимиз, турк-узбекимиз; мусулмончилик ота юртимиздаги барча динлардан кейин келган сунити ва бизга дунеларни яратган, оламларнинг ягона эгаси буюк Тангриини теран танитган диндирки, бу динимиздан ҳеч ким, ҳеч бир мафкура энди чалгита олмас...

Демак, буддачилик Туркистондан дунета ейилган. Будда маданиятининг бешиги — Туркистон.

Аммо «Туркистон — илк маданият бешиги» дея ёзарканман, юқоридаги далилларни мутлақо назарда тутганим йуқ эди. Зотан бу ангиллик ҳали дунета тарқалиб, сингиб ултургани ҳам йуқ. Мен назарда тутган далиллар бошқалир, уларни муҳтарам уквучига билдирмоқ учун Истамбулда туркчада чиққан «Туркистон» журналига мурожаат этимиз. Эгаси ва масъул мудир Зиевуддин Бобоқурбон, бош муҳаррири Муҳаммад Амин Бутро саналган бу журналнинг 1953 йилги 5-сонидла доктор Сафвет Энгиннинг «Туркистон — она Туркэли» мақоласи бор. Билгин уз

мақоласини энг эски маданиятларни яратган қавмлар Туркистондан — тарихлардан аввалги чоғларнинг у сирли маконидан чиққан, деган фикр билан бошлайди. Уз фикрини дуне олимларининг асарлари, илмий киёслар билан исботлайди.

Юз йиллаб мустамлакачилик мафкуриси таъсирида қолганимизни, биз уқитган китобларда она ватанимиз Туркистон ҳақида асл билгилар йуқлигини, зотан, 1924 йилда Туркистон тамоман парчалангач, бу ном — Турк ва Туркистон атамалари расман таъкидланганини, доим бузук, буюқтонда маълумотлар берилганини (масалан, узбек, қомусида ҳам Туркистон ҳақида асл билги, алоҳида модда йуқ, бир ерда «Туркистон XIX аср ва XX аср бошларида ҳозирги Урта Осие ва Қозогистонни, шунингдек, Марказий Осиенинг туркий халқлар яшовчи қисмини уз ичига олган тарихий-географик область» дейлади — «Узбек Совет энциклопедияси», 11-жилд, 367 бет. Тошкент — 1978) назарда тутсангиз, турк олимнинг мақур мақоласи улкан аҳамият касб этади. Мақолада яна шу ҳол яққол англашиладики, эски маданият уқоқлари (Миср, Ҳиндистон ва бошқалар — Т.К.) даги маданиятлар бу ерларга кучиб е забт этиб келган Туркистон халқлари билан боғлиқ.

Тоҳир ҚАХҲОР



• Бу — қизик

ИКЕБАНА — ГУЛ ДАСТАЛАШ САНЪАТИДИР

Гул қадим-қадимдан инсон ҳаётига файз бағишлаб келади. Турли маросимларда, тантаналарда, нозик туйғулар, эзгу тилақлар ифодаси сифатида гулдаста ҳадя қилиш одати энг гузал аънаналардан биридир.

Гулдасталарни хонага ўрнатиш йуллари ҳам ҳар хил, лекин ҳаммаси XII—XIII асрлардан бери машҳур япон мактаби — икебана таъсирида шаклланган. Икебана — нозик гул дасталаш санъатидир. Унинг бош гоёси — ҳар гул, ҳар япроқ, ҳар бутла жо этган айри-айри гул намовни булсин, гул орқали гулдаста ижодкорининг табиатга муносабати акс этсин. Икебана манзараси, ҳашамлари уни ясаган кишининг ўша дамдаги кайфияти, ҳол-аҳолини бемаълос англашиши мумкин. Икебана учун куп гул ёки қиммат гул керак эмас. Баъзан бир дона гул ҳам етиб ортади.

Унинг енига шаклдор бир-икки бутоқ ва яшил чирмовиқ тиркалса бас — моҳир қўллар сеҳри билан тугал асар бинога келиши мумкин. Икебананинг имкониятлари бениҳоя бойдир. Унинг неғизидла теран фалсафа ётади: шаклидаги уч узак чизик — Само, Инсон ва Замин рамзидир.

Тик ўрнатиладиган энг баланд бутоқ — Само рамзидир. У биринчи даражали аҳамиятга эга булиб, «шин» деб аталадиган гулдаста энг бақувват, соғлом гул танланди.

Иккинчи даражали «сое» деган бутоқ — Инсон рамзидир. У биринчидан уч мартага калта булиши ва биринчи бутокдан қиссига ушиб чиққандай қилиб жойлаштирилиши керак. У олд ёки ён тарафга эгилиб туради.

«Хикае» деб аталадиган учинчи бутоқ Замин рамзи булиб, аввалги икки бутокнинг пойида ётади.

Шахмат ўйнаш менинг учун нафас олишдек табиий бир нарсадир.

С. Решевский, америкалик гротсмейстер

Мен шунинг учун ҳам шахмат шайдосиманки, у ўйновчиларнинг ақл-идроки нималарга қодир эканини аниқлаб, сирли ва чигал нарсаларни яққол мисолу манзарага айлантириб, кузатса ва сезса бўладиган ҳолда бир игга тизиб беради.

Абу Зейл ал Балхий, X асрда яшаган машҳур географ ва файласуф

Шахмат шундай тузилганки, ташқи кўринишдан ҳаммабоб ўйиндир. Ажиб ўзгаллик, имкониятларнинг турли-туманлиги унга хос нарса, шунинг учун ҳам одамлар шахматга қизиқадилар, шунинг учун ҳам у барча миллатлар орасида кенг ейилган, бинобарин, уни

кашиф этган зотлар ҳар қанча гурурлансалар оз...

Ар-Роғиб Исфохоний, XI асрда яшаган олим

Ҳаётни шахматсиз, китобсиз ва бовсиз сирасасавуур этолмайман.

Л.Н. Толстой

ШАХМАТ ҲАҚИДА

Шахмат ўйини ақлий маданиятнинг бир бўлаги сифатида бошлангич мактаб ҳаётига кириши даркор.

В.А. Сухомлинский

Шахмат ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқдир. Ижодий изланиш эса чегара билмайди. Бинобарин, ҳар бир санъат туридаги каби шахматдаги ижод ҳам битмас-туганмасдир.

А. Карпов

Дўстларимнинг бир қисмини шахмат туйфаили орттирдим...

Н. Гапириндашвили

ЎҒРИГА УХШАМАЙДИ

Бир куни таниқли рассом Исфандиёр Ҳайдаров уйига келса, йулақда одамлар тўпланиб турган экан. Улар орасида қизил шапка — меласани курган мусаввир кунгли бир ноҳушлиқни сезгандек, андак сергакланади. Маълум булишича, рассомнинг уйига ўғри тушган, аммо омади чопмай тумшугидан илинган экан.

Исфандиёр сувга тушган мушукдек шумшайиб, бўйинини қисиб, кўзларини қаёққа яширишни билмай турган ёшгина, хушрўй йигитни курғач,

беихтиёр кунгли юмшаб, раҳми келади.

— Наҳотки шу йигит ўғри бўлса? — дейди рассом меласига юзланиб.

— Жиноят устидла кулга тушди-ку! Сизга яна нима керак?! — Йуқ, мен бунга ишонмайман! Бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўлса керак. Илтимос, қуйвора қолайлик.

— Ие, қанақа одамсиз узи? — меласи тепақал, икки чеккасидаги сийрак сочлари паҳмоқ, дарвешифат рассомга ўқрайди.

— Қулга тушган ҳар бир ўғрини қуйвораверсак шаҳар бедарвоза бўлиб кетади-ку!

ДЎРТМОН ҲАНГОМАЛАРИ

(Янги туркумдан)

— Бу йигит ўғри эмас — санъат муҳлиси! — дейди Исфандиёр ўғрининг елкасига қўлини ташлаб. — Ҳар қандай рассомнинг уйига ҳам бундай... таширф буюрилавермайди. Бу мен учун катта шараф. Дарвоқе, уйимда картиналардан бошқа ҳеч вақо йуқ. Ишларим ҳам барибир сотиламаяпти. Бу дустим эса менга... ёрдам бермоқчи булган. Шундайми?

— Бовқиш ўғри мулзам бўлиб, бошини баттар ҳам қилади.

— Э боринг-э, билганингиз-

ни қилинг! — меласи кул силтаб, кетворади.

— Энди уйга киримиз, танишганимизни яхшилаб ювамиз!

Исфандиёр ҳали-ҳамон қутулганига ишонқирамай турган янги улфати — ўғригина болани кўярда қуймай ичкарига чорлайди.

УЖАР ҚҰЙ

Ёзувчиларнинг Юнусободдаги янги уйда қўшниллар билан эрталаб маҳалладаги ошга кетавтандик. Йулда бир одамнинг беш-олтита қуйи дуч келган тўсиқдан сакраб ёки энгашиб утиб

кетди-ю фақат битта қуйгина гожилик қилиб, утмай тураверди. Бовқиш эгаси уни орқасидан итариб, сакрашга ундаб курди, бўйиндан настига босиб, тусиқнинг остидан ўтказмоқчи бўлди — ҳаракатлари эса зое кетаверди. Қуй на унисига, на бунисига кўнмай, уچارлик билан оёғини тираб тураверди.

Ушбу манзарани кузатиб турган Раҳмон Қўчқор қуйга қараб туриб, деди:

— Чамаси, бу адиблар иттифоқининг азёси (ёзувчилар уюшмасида маълум муддат давом этган бўлиниш даврида уюшмадан ажралиб чиқшига ўринган ижодкорлар гуруҳи назарда тутилмоқда — Ш.О) бўлса керак!

Ш. ОТАБЕК

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖҲРАБОВ Шухрат ЖАБОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмахмуд АҚБАРОВ
Шохруҳ АҚБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КҲУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятта келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0701. 9148 нусхада чоп этилди.

Обсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КИОСЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.30 «Хафтанона»... 8.30 Болалар учун «Беҳбармок»... 9.00 «Узлик» Бадий-публицистик кўрсатув...

23.45-23.55 Кундалик. III 18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 18.20 - 21.35

21.35 «Чип». Киска метражли телевизион фильм.

Россия давлат телевидениеси. 22.00 - 22.25

22.25 Эълонлар. 22.30 «Окшом чоғи, аршу-аълода» Бадий фильм (Австралия).

17.10 - 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультикарусель» 19.05, 22.05 Эълонлар. 19.10 «Санта-Барбара» Телевизион бадий фильм...

ЧОРШАНБА, 29

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар. 18.20 «Ерилоташ» Мульттўпلام...

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.25 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Най».

8.40 Олтин мерос. «Хунарманд» Тележурнал.

9.00 «Йиллар ўтиб» Бадий кўрсатув.

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Аллод». Публицистик кўрсатув.

11.00 «Туттилин ва зарарсизлангирисин» Бадий фильм.

12.25 «Назм ва наво» Хазиний лирикиси.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Ҳикматлар хазинаси».

18.15 «Рағналар жиғиси».

18.20 «Жамоат ташиқлотлари: маслак ва мақсад».

19.00 «Шарқ тароналари», 21-кўрсатув.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50, 23.30 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.10 Окшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.00 «Иқтисодийёт чорраҳала-рида».

21.20 «Санъаткор соадати». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азиз Муллақонов.

21.40 «Ватанни севмоқ иймолдандиндир».

22.05 «Буҳорини Шариф».

22.25 «Галатепалик авлиё». Киска метражли телевизион бадий фильм.

22.55 «Муҳлис аҳду қўшиқ изиди...»

23.35 «Ахборот» (рус тилида).

24.00-00.05 Ватан тиссоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

18.20 «Ерилоташ» Мульттўпلام.

18.35 «Муслиқ шарҳ».

18.50 «Хуқуқ ва мажбурият».

18.55 «Услобу».

19.05 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Табият дунёси».

20.30 «Ахборот».

21.00 «Кўнгли қўнғилга пайванда».

21.30 Оҳанглр ва Эълонлар.

21.40 «Киноингоҳ».

22.00 «Спектаклдан сўнг».

22.40 «Серго». Видеofilm.

23.10 - 23.20 «Хайрли тун!»



9.15 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Хунари бор, ҳор бўлма».

9.35 «Шарқ тароналари», 21-кўрсатув.

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Истиқлол адабиети».

10.25 «Иддар Қўшиқ» Бадий фильм.

11.50 «Ватанни севмоқ иймолдандиндир».

12.15 Болалар учун. «Бўш вақтим - хуш вақтим».

12.40 «Ботма, қўёш».

13.00 - 14.00 «Бўш танлаган йул». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.10 «Наташа учун эртақ». Мультфильм.

18.20 «Езуечилар - болаларга». Эргаш Раимов.

18.40 «Йил - ўзлики билмақдир».

18.55 «Ажаб соадат эрур...» Адабий кўрсатув.

19.25, 20.25, 20.55, 22.40, 23.50 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.35 «Самал».

20.10 Окшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.00 «Конун ва биз».

21.30 «Оталар сўзи - ақлнинг қўзи».

22.45 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.

23.05 Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмомилова концерт.

23.25 «Битик». Бадий-публицистик кўрсатув.

23.55 «Ахборот».

00.20 - 00.25 Ватан тиссоллари.

9.00 «Болалар дунёси».

9.15 «Турфа олам».

9.45 «Нафосат».

9.55 «Бу мунис лаҳзалар».

10.20 «Кенга кенг дунё».

10.35 - 13.05 Суғул. Жаҳон чемпионати Сараалш йўнлири.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Дарақчи».

18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.

18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесернал.

18.50 «Бир жуфт қўшиқ».

19.00 «Билиб қўйган яхши».

19.10 «Толенома».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Дубляж».

20.10 «Мутсиноба».

20.30 «Ахборот».

21.00 «Муносабат».

21.30 Оҳанглр ва Эълонлар.

22.10 «Худуд».

22.40 «Кино жаваидани».

00.10 - 00.20 «Дарақчи».

18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 18.20 - 21.35

фильм. 11-қисм (Миср Араб Республикаси). 00.20 «Ахборот».

00.45 - 00.50 Ватан тиссоллари.

9.00 «Эркатой». Болалар учун дастур.

9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесернал.

9.35 «Бир жуфт қўшиқ».

9.45 «Билиб қўйган яхши».

9.55 «Толенома».

10.10 «Дубляж».

10.25 «Мутсиноба».

10.40 «Муносабат».

11.10 «Худуд».

11.40 - 13.10 «Кино жаваидани».

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Дарақчи».

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»

18.35 «Пойтахтдан узокроқда».

18.55 «Хар лаҳзада қўшиқ».

19.00 «Бизнес ҳафта ақунари».

19.10 «Эрига - шамба».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Дил дафтари».

20.05 «Сизлардан ишорат».

20.30 «Ахборот».

21.00 «Ривоят».

21.10 «7 дан 70 гача».

21.30 Оҳанглр ва Эълонлар.

21.45 «Киноингоҳ».

23.15 «Бокс, бокс, бокс».

23.30 «Санта-Барбара» Телевизион бадий фильм.

00.10 - 00.20 «Дарақчи».

18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 18.20 - 21.35

21.35 «Муслиқ хамма учун». Муслиқий дастур.

Россия давлат телевидениеси. 22.00 - 22.30

22.30 Эълонлар.

22.35 «Ҳақиқат билан тўқнашув» Бадий фильм.

24.00 - 00.20 «Ахборот» (рус тилида).

17.10 - 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 21.55 Эълонлар.

19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телесернал.

19.30 «Умид чеҳалари».

19.50 «Рангинқамон».

20.20 «Муруват».

20.50 «Ер-вр» Бадий фильм.

22.00 «Жума куни ишдан сўнг».

22.30 «Шарқ дарбозиси».

23.10 «Йиллар даридаги йиллар».

23.40 - 23.50 «Хайрли тун!»

18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30 - 9.00 18.20 - 21.35

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

«Мадушай» Бадий фильм. 2-қисм. 10.00 «Ватанимга хизмат қўламан».

11.00 «Хавт учун хавфин» Бадий фильм.

12.30 «Цирк Цирк Цирк».

13.00 «Шийлондаги учрашувлар». Жиззах вилояти Пахтакор тумани дала меҳнатқилари хузурида.

13.50 «Боланим» - пошолотим».

14.50 - 15.00 «Кўш юрти» «Фарғонанинг мовий халқиси». Хўжатай фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Болалар учун. «Чамандаги гуллар» миз».

18.20 «Спорт, спорт, спорт».

18.40 «Сехли шувлар».

19.00 «Ўзлиқ». Бадий-публицистик кўрсатув.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Панорама» (рус тилида).

20.00 Санат усталарининг концерти.

20.30 «Хабтанона».

21.05 «Олтин дала» Ахборот-муслиқий дам олиш кўрсатув.

21.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» (Наманган) - «Пахтакор» (Тошкент). Езиб олинган.

«Аер миз» мажбурият кинодастури.

23.35 Кино янгиликлари.

23.50 «Жаҳон киноси қолдулари».

00.10 «Мададкор руҳ». Бадий фильм (АҚШ).

01.40 - 01.45 Ватан тиссоллари.

9.00 «Боланинг тили».

9.20 «Ўрмоқий мерос».

9.35 «Дугона».

9.45 «Табият шифохониси».

9.55 «Дилбарим».

10.10 «Бизнес-академия».

10.25 «Омонлик тилаймиз».

10.35 «Минг хунар сохиблари».

10.40 ТВ плос театр».

11.00 «Глобус». Телевизиянаҳ.

11.20 «Мафтункор чеҳралар».

11.40 «Дарақчи».

12.00 - 13.40 Видео - «О».

16.00 Кўрсатувлар дастури.

16.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Сараалш йўнлири.

17.50 «Дарақчи».

18.00 Мультитанорама.

18.20 «Хайвонот дунёси».

18.40 «Синфдош».

19.00 «Бари ҳазил».

19.10 «Келгуси ҳафтада».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Панорама» (рус тилида).

20.00 «Муслиқ салтанати».

20.30 «Хафтанона».

21.05 «Жараён».

21.15 «Миллионлар йўнни».

21.45 «Тақдир. Эълонлар, оҳанглр».

22.00 Видео - «О».

23.35 «Келгуси ҳафтада».

23.50 - 24.00 «Дарақчи».

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

17.45 «Минг бир киефалар». Фильм-спектакль (А. Райкин иштирок этган). 2-қисм.

Россия жамоат телевидениеси. 18.50 - 23.50

23.55 - 00.20 «Панорама» (рус тилида).

9.00 «Хайрли тонг».

9.30 «Парле в франсе?»

9.55 «Эртакларнинг сехли олами».

11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

11.50 Киносалон. «Ушаш киефалар музеи» Бадий фильм.

13.20 «Рақурс».

13.50 «Нима яхши, нима ёмон».

14.20 «Жонли сайгала».

14.40 Стiven Сигал «Учкур» фильмда.

16.20 «Шу кунинг мизлауси».

16.35 «Сеннинг вақтинг».

16.55 - 17.10 «English for children» Болалар учун инглиз тили.

17.10 - 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель».

19.05 «Менинг кўзим».

19.20 «Телешарҳ».